Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2011-yil 4-yanvar № 2 (2883) seshanba

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

> Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир.
>
> **Амир ТЕМУР**



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Ибратли ташаббус

Юртимизни боғларга буркайлик!

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўтказилган фаоллар йиғилиши ана шундай шиор остида ташкил қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойида кўрилган масалалар, шу юзасидан вилоят касаба уюшма ташкилотлари олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Асосий эътибор қурултой делегатлари томонидан мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига тўёна сифатида «Кўчат экиш — савобдир» шиори остида хонадонимиз, маҳалламиз, юртимизнинг янада обод бўлиши учун барчани кўчат экиш, гул ўтқазиш, томорқада мўл сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштиришга қаратилган касаба уюшмаларининг халқимизга мурожаатини кенг жамоатчиликка етказиш хусусида борди.

— Муқаддас заминимиз ўзўзидан жаннатмаконга айланиб қолган эмас, — дея қайд этди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Раҳимберган Матрасулов. — Бу ота-боболаримизнинг фидойи меҳнати, қадоқ қўллари, шу юртга, заминга бўлган меҳру муҳаббати эвазига юзага келган. Бугун ҳам диёримизни боғу бўстонга айлантириш истагидаги инсонлар кўплаб топилади. Боболаримиз «Минг кўчат эккан инсон жаннати бўлади» ақидасига амал қилиб яшаган. Савоб учун ариқлар, йўллар бўйига дарахт экишган.

Боғларимиз нафақат гўзаллик, балки тўкин-сочинлик, ободлик, файз-барака рамзи ҳамдир. Уларда етиштирилган турли мевалар эса саломатлигимизга кони фойда. Дарахтлар ҳавони тозалашини ҳам кўпчилигимиз яхши биламиз.

Ҳовлисига бир дона бўлсада, кўчат экмаган, томорқасидан на полиз, на сабзавот маҳсулоти оладиган, оқибатда етишмовчиликдан нолийдиганлар ҳам учраб туради. Касаба уюшмалари ўртага қўйган вазифалардан бири ана шундай инсонларни ҳам ҳаракатга келтириш, уларнинг ҳам қалбида яратиш-яшнатиш иштиёқини уйғотишдир.

Хоразмнинг тилёрар қовунлари, Хазорасп олмалари, Боғотнинг узумларини етти иқлимдан топиб бўлмайди. Хоразмнинг гужумлари эса ҳақиқий жаннат тароватини ҳадя қилади.

— Касаба уюшмалари, мана бир неча йилдирки, чорвачиликни ривожлантиришга муносиб улуш қўшиб келмоқда, — деди бирлашма раҳбари. — Бевосита касаба уюшмалари жонкуярлиги туфайли баликчилик яна ривожланди, асаларичилик хўжаликлари ташкил қилинди. Энди бу йўналишни кенгайтириб, боғдорчилик ва узумчилик, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни янада авж олдиришга ҳам ўз ҳиссамизни қўшишга жазм этдик.

Йиғилиш қатнашчилари Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раҳбари Раҳимберган Матрасуловнинг фикрларини қўллаб-қувватлашди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи делегатлари мурожаатидан руҳланган ҳолда маҳаллий матбуотда Хоразм аҳлига бу масала юзасидан яна бир карра даъват билан мурожаат қилиш, ушбу даъватнинг ҳар бир юртдошимиз қалбида акс-садо беришига эришиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари Нормамат Аллаёров сўзга чиқди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

«Micron-m» макаронлари

Қамашилик тадбиркор Олим Чўллиев ака-укалари билан келишиб, 2004 йилда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуна сотиб олди. Орадан бир йил ўтиб яна битта, 2006 йилда эса тўртта дастгоҳ келтирилди. Аммо Чўллиевлар ишлаб чиқараётган сифатли ва арзон макарон, барибир, аҳоли талабини тўла қондира олмади. Ниҳоят, 2007 йилда «Micron» Machinery Manufacture Co.Priyate J.S.» машинасозлик компаниясининг соатига 820 кг. маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги замонавий технологик линиялари ишга туширилди.

Шу тариқа дастлаб 47 киши иш бошлаган кичик корхонада ишчилар сони 60 нафардан ошди. Бугунги кунда мана шу замонавий дастгоҳлар мажмуаси билан 400 граммдан тортиб 35 килограмгача миқдорда 60 дан зиёд тур ва шаклдаги макарон ишлаб чиқарилмоқда. 2009 йилда кўрсаткич 787 тоннадан ортиқ, 2010 йилнинг 11 ойи якунлари бўйича 800 тоннадан зиёд бўлди.

Экспортга мўлжалланган, импорт ўрнини босувчи ҳамда давлат стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган маҳсулотлар республикамизнинг деярли барча вилоятларида сотилмоқда. Бундан ташқари, жамият нон маҳсулотлари ҳам тайёрлаб, аҳоли дастурхонига етказиб бераяпти.

Олим Чўллиев Президент совғини учун ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичлари ғолибидир. 2007 йилда вилоятнинг «Энг яхши тадбиркори» деб топилиб, танловнинг республика босқичида лауреат бўлди. 2008 йилда «Миллий бренд» йўналишида ғолиб деб эълон қилинди. 2010 йилда ҳам вилоят миқёсида энг яхши тадбиркорлар сафида эътироф этилди.

— Ишчиларимизнинг асосий қисмини касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшлар ташкил этади, — дейди Олим Чўллиев. — 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши бизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир тасдиғидир. Янги йилда қўшимча ўттизта иш ўрни яратиш ниятидамиз.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Сирдарё томонларда

Кредит — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланяпти. Кичик корхона ҳамда микрофирмаларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари тобора равнақ топмоқда. Янги иш ўринлари яратилмоқда.

Боёвут туманидаги Садриддин Айний маҳалласида «Авазбек, Азизбек, Асадбек» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Авазбек Жўраев ишни ҳудуддаги фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик экинлари ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашдан бошлади. Бунинг учун «Қишлоққурилишбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Сирдарё вилояти минтақавий филиалларининг ҳар биридан 50 млн. сўмдан кредит олди. Тадбиркор Гулистон туманидаги «Макровит» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Виктор Урбановичдан гўштни қайта ишлаб, колбаса ва колбаса маҳсулотлари тайёрлашни ўрганди.

Айни чоғда корхонада кунига 9 хил турдаги 250 килограмм колбаса истеъмолчиларга етказилмоқда. Авазбекнинг «Докторская», «Шаршара» колбасалари барчага манзур бўлаётир. Эндиликда вилоятдан ташқари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига ҳам маҳсулотлар чиқарилмоқда.

Корхона қошидаги нон ишлаб чиқариш цехида эса ҳар куни 300 дона қолипли ва 300 дона оби нон ёпилади. Бундан қишлоқ аҳли мамнун. Ушбу цехда ҳам маҳаллий ёшлардан 10 киши ишламоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк» Сирдарё минтақавий филиали кичик бизнес субъектларига ўтган йил давомида 10 млрд. сўмга яқин кредит ажратди. Хусусан, «Зукко Зиё Лочин», «Фарҳод қурувчи сервис» хусусий корхоналарининг ҳар бири 50 млн. сўмдан кредит олиб, ўз муаммоларини ҳал этишди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар ҳафтада вилоят ҳокимлиги биносида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилиб, соҳадаги муаммолар ечими топиляпти. Навбатдаги «Очиқ эшиклар куни»да «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг вилоят минтақавий филиалидан Ховос туманидаги «Одил Али», «Бегали», «Ғайрат» фермер хўжаликларига кредит бериладиган бўлди.

«Одил Али» фермер хўжалиги жамоаси чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйди. Гулистон шаҳридаги «Савдо харид файз» хусусий корхонасига 750 млн. сўм миқдоридаги кредит ҳисобидан Австриядан гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий ускуна келтирди.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Янги йил орзулари

Жамият билан уйғун

2011 йилга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном берилгани айни муддао бўлди.

Буни жўшиб-жўшиб айтаётганимнинг боиси бор, албатта. Ўтган йиллар давомида 354 нафар ногиронларнинг ҳунарли бўлишида ёрдам кўрсатдик. Нафақат Тошкент шаҳрида, Фарғона, Самарқанд, Наманган, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида ҳам шогирдларимиз кўп. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва фаоллигини ошириш юзасидан семинарлар уюштираяпмиз.

Давр бизга ўзига хос сабоқ бўлмоқда. Ҳунар ўргатиш баробарида маркетинг, менежмент соҳаси бўйича ўқитмаганимиз панд беряпти. Янги йилда ана шу йўналишдаги режамиз амалга ошади, деган умиддамиз.

Кўп чет давлатларда бўлганман. Масалан, Финляндияда ногиронларнинг ўз модули бор. Улар жамиятга фойда келтирса келтирадики, зарари йўқ. Кўп иш қилолмаймиз, лекин албатта, нимадир қилишга қодирмиз. Парламентда Омбудсмандан ногиронларнинг вакили фаолият кўрсатса, нур устига нур бўлар эди. Ногиронлик механизми ишга туширилса, ўзимизни ўзимиз бемалол бошқаришимиз мумкин.

Зуҳра РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Ногирон тадбиркор аёллар ассоциацияси раиси

Ютуқлар шижоатдан бошланади

Қодиржон ПАРПИЕВ,
Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Баркамол авлод йилида жамоа шартномалари орқали 343 та корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларда 916 та кам таъминланган, кўп болали ва боқувчисидан ажралган оила фарзандларини 22,3 млн. сўмлик ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлади. 1444 та корхона ва ташкилотда 4087 та кам таъминланган ёш оилага 256,8 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

2-бет

Ishonch

2011-yil 4-yanvar № 2 (2883)

Суҳбат

Ютуқлар шижоатдан бошланади

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Қодиржон Парпиев билан суҳбат

— Ўтган йилда қилинган ишлар сарҳисоби янги режаларни амалга ошириш учун илҳом бағишлайди. Шундай эмасми?

— Аввало, биз ёруғ юз билан хайрлашган йил ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол инсонлар этиб тарбиялашда яхлит бир сана сифатида ёдда қоладиган бўлди. Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Баркамол авлод йилида жамоа шартномалари орқали 343 та корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларда 916 та кам таъминланган, кўп болали ва боқувчисидан ажралган оила фарзандларини 22,3 млн. сўмлик ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлади. 1444 та корхона ва ташкилотда 4087 та кам таъминланган ёш оилага 256,8 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Дастур доирасида ўтган даврда 124 нафар ёшлар ҳамда 51 нафар ёш она ва бола касаба уюшмалари тизимидаги сиҳатгоҳларда, 709 нафар, шу жумладан, 422 нафар талаба-ёшлар корхона, ташкилотлар ва ўқув юртлари қошидаги санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди.

Ёз мавсумида болалар оромгоҳларида меҳнаткашларнинг 18630 нафар фарзандларини, шу жумладан, 9730 нафарини ижтимоий суғурта, касаба уюшмалари ва хўжалик органлари, 8900 нафарини ҳомийлар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан дам олдириш режалаштирилганди. Якуний кўрсаткич янада юқори бўлди.

Шунингдек, иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг 50 млн. сўмдан зиёд маблағлари сарфланиб, 2135 нафар ёшларга республика ҳамда вилоятимизнинг тарихий ва қадимий шаҳарлари, мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотлар ҳамда хушманзара жойлар билан яқиндан танишиш имконияти яратиб берилди.

Касаба уюшмалари учун энг муҳим сиёсий воқеа — ҳисобот сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг V ҳисобот-сайлов конференцияси 3161 та бошланғич ташкилотга бирлашган 574526 нафар касаба уюшма аъзосининг хоҳиш-иродаси ифодасига айланди.

— Касаба уюшма аъзолиги афзалликларини асослаш учун қандай ишлар қилинди?

— Бу масала доимо диққат-марказимизда. Вилоятдаги янги рўйхатдан ўтган корхона, ташкилот ва муассасаларда бошланғич касаба уюшма ташкилотларини тузиш, ходимларни аъзоликка жалб этиш учун ишчи-ходимлар ўртасида касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тушунтириш ишлари олиб борилди. Бунинг натижаси ўлароқ, 112 та нодавлат секторидаги корхонада янги бошланғич ташкилотлар тузилди. Улардан 79 таси цех ташкилоти бўлиб, касаба уюшма сафига 9322 нафар аъзо қўшилди.

— Ўтган йилда фуқароларнинг мурожаатлари асосида касаба уюшмалари томонидан қандай ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди?

— Улар кўп. Умуман, 70 та ёзма, 58 та оғзаки мурожаат билан бевосита шуғулланишимизга тўғри келди. 4 нафар ходим ўз ишига қайта тикланди ва турли тўловлари ундириб берилди. 14 нафар фуқарога моддий ёрдам берилди, қолганларга тегишли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

— Маънавий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари, ишчи-ходимларни мароқли дам олдириш ҳам касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан...

— Албатта, маънавиятсиз инсон ҳаётини тасаввур этиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан меҳнат жамоаларида «Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил этиш, уларни кўргазмали воситалар билан жиҳозлаш масалаларида иш берувчилар олдига аниқ талаб ва таклифлар киритилди. Натижада бугунги кунда мингдан зиёд ўқув муассасалари, 300 га яқин ишлаб чиқариш корхоналари ва 500 дан зиёд ташкилотларда «Маънавият ва маърифат» хоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ёз мавсумида вилоятдаги ёзги оромгоҳларда дам олаётган болалар ўртасида мустақилликни улуғловчи, она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотувчи қатор маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилди.

Йил давомида 28 та вилоят, 70 дан зиёд шаҳар, туманлар микёсидаги ҳамда 200 га яқин бошланғич ташкилотларда, шу билан бирга, вилоятдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида талаба-ёшлар ўртасида спорт тадбирлари ўтказилди. «Соғлом она — соғлом бола» шиори остидаги анъанавий аёллар спартакиадаси, вилоятдаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ўртасидаги волейбол турнири, ёз мавсумида оромгоҳларда дам олаётган болалар ўртасида «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» ва «Келажак футбол юлдузлари» шиори остида ўтган спорт тадбирлари шулар жумласидандир. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида тўрт босқичли тармоқлараро вилоят спартакиадалари ва уларнинг қуйи босқич мусобақалари ташкил этилди. Ёз мавсумида 57 та, шундан 19 та шаҳар ташқарисидаги ва 38 та мактаблар қошидаги кундузги болалар оромгоҳлари фаолият кўрсатди.

Кези келганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан вилоятимиздаги "Боғишамол" болалар оромгоҳида 100 ўринли янги ётоқхона қурилиши, ошхона ва маъмурий бино, чўмилиш ҳавзасини таъмирлаш учун 402 млн. сўм сарфланганини айтиб ўтмоқчиман.

Бундан ташқари, тармоқлар бўйича тақсимотга биноан ўтган даврда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Курортлар бошқармаси тасарруфидаги санаторийларга 1375 та, санаторий-профилакторийларга 815 та йўлланмалар берилиб, ишчи-хизматчилар ва талабалар соғлиқларини тиклашди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига режалаштирилган ишлар хусусида тўхталсангиз.

— Фаолиятимиз турли тадбирларга бой бўлиши аниқ. Модомики, мақсадимиз мустақил юртимиз равнақига муносиб улуш қўшиш ва янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш экан, бу йўлда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти катта бўлиши шубҳасиз.

Биз ҳозирданоқ россиялик тадбиркорларни таклиф этиб, вилоят ҳокимлигида рўйхатда турган, фаолият юритмаётган бир неча корхоналар шароити билан таништирдик. Ҳозирда улар билан ушбу корхоналарни ишга тушириш учун музокаралар олиб борилмоқда.

Янги йилда яна бир муҳим сана — Истиқлолимизнинг 20 йиллик тўйи нишонланади. Шу муносабат билан юртимиз ва вилоятимизда «Мен ҳам шу юртнинг фарзандиман», «Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 туп дарахт — менинг туҳфам» шиорлари остида умумхалқ ҳаракати бошланди.

Касаба уюшма ташкилотлари ҳозирданоқ бу эзгу ишга хайрихоҳлигини намойиш этиб, «Боғишамол», «Бешариқ», «Оқбулоқ», «Боғбон» оромгоҳларида 1580 туп кўчат ўтказилди.

Янги йилда ҳам вилоят бирлашмаси ўз фаолиятини меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида белгиланган режалар асосида иш олиб бориб, ҳар бир меҳнаткашга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг оила аъзоларини эътибордан четда қолдирмаслик учун бор имкониятларини ишга солади.

Суҳбатдош:
Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Халқаро семинар

Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси (УХКУФ) ташаббуси билан 15-25 ноябр кунлари Пекин шаҳрида «Касаба уюшмаларининг инқироздан кейинги давр муаммоларига қарши чора-тадбирлари» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинарда Озарбайжон, Белорус, Қозоғистон, Молдова, Россия, Украина ва Ўзбекистон вакиллари иштирок этишди.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ:

Инқироздан кейинги давр муаммолари

Шу ўринда УХКУФ ҳақида қисқача маълумот келтириб ўтсак. Унинг таркибига 134 миллион ишчи-ходим бириккан. 1713 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолият юритмоқда. Федерация таркибига 31 ҳудудий (вилоят, автоном республика ва муниципал) бўлимлар, 10 та соҳа ташкилотлари киради.

Анжуманнинг бошланиш қисмида Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси раҳбар ва мутахассислари сўзга чиқишди. Жумладан, УХКУФ тижорат департаменти бошлиғи ўз нутқида Хитойнинг МДҲ давлатлари билан ўзаро савдо-иқтисодий алоқалари масаласига эътибор қаратди. МДҲ давлатлари билан дипломатик алоқа ўрнатилгандан кейинги ўн йил мобайнида амалга оширилган савдо ҳажми 98 миллиард 410 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, 2009 йилнинг ўзидаёқ умумий савдо ҳажмининг 3,1 фоизини ташкил этган. Техник-иқтисодий ҳамкорлик йўналишида 1700 лойиҳа амалга оширилмоқда. Марказий Осиё газ ўтказиш тизими, Ўзбекистондаги калий заводи, Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой автойўллари шулар жумласидандир. Машинасозлик маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда. Асосан, авиация соҳасига йирик ҳажмда капитал киритилмоқда. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасида ўзаро ҳамкорлик учун катта имкониятлар очилди. Мазкур омиллардан келиб чиқиб, хитойлик ҳамкасблар семинар қатнашчиларини иқтисодий инқироз шароитида мамлакатлар ва касаба уюшмалар ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга эътибор қаратишга чақирди.

Шунингдек, мезбонлар давлатнинг инқироздан кейинги даврдаги чора-тадбирлари билан батафсил таништириб ўтишди. Давлат дастурига асосан, бандликни таъминлаш, иқтисодий ривожланиш шаклини кучайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ишчиларнинг малакасини ошириш ва қайта ўқитиш, глобаллашув шароитида халқаро ҳамкорликни кучайтириш ва бошқа масалаларда касаба уюшмалари етакчи куч эканлигини таъкидлашди. Уч томонлама ҳамкорлик натижасида Хитой касаба уюшмалари ташаббуси билан кам таъминланган оилаларга ижтимоий ва тиббий ёрдам берувчи 3249 та марказ ташкил этилган. 2006-2010 йилларда мазкур тадбирларни амалга ошириш учун касаба уюшмалари орқали 600 миллион юан ажратилди, 2011 йилда эса бу маблағ 11 миллиард юанни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Марказлар саккиз йилдан бери ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни компьютерда рўйхатга олиб, доимий мониторинг ўтказишади. Нисбатан ривожланган қишлоқларда бирламчи касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг 230 миллион нафари аъзоликка жалб этилган. Томонлар кам таъминланган оилалар даражасини белгилаган. Унга кўра, биринчи навбатда табиий офатдан жабрланганлар ҳамда турли ҳалокатга учраган ва даволанишга муҳтож бўлганларга ёрдам кўрсатилади.

Хитойда бир кунлик яшашга етадиган маблағ 100 юанни (1 АҚШ доллари 6,7 юанга тенг) ташкил қилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, оғир иқтисодий шароитдан чиқа олмайдиган, болаларни ўқитиш ҳамда тиббий хизматдан фойдаланишга маблағи етарли бўлмаган оилалар мавжуд. Бундай ҳолларда улар марказларга мурожаат қилишади.

Мазкур тажриба семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотганлиги туфайли Сямен шаҳридаги шундай марказлардан бирига ташриф уюштирилди.

Семинар дастури доирасида хорижий ҳамкорлар иштирокида ташкил этилган корхоналарга ташрифлар режалаштирилгани боис, делегация аъзолари ушбу корхоналардаги касаба уюшма фаолияти билан ҳам қизиқишди.

Маълумки, ХХР замонавий иқтисодиётида қўшма ҳамда хорижий корхоналар муҳим ўрин тутмоқда. Бундай турдаги корхоналар Хитойда 1978 йилда бошланган ислоҳотлар жараёнидан сўнг фаолият юрита бошлаган. Маълумотларга кўра, хорижий инвестиция эса 1 триллион АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Шунингдек, хорижий инвестициянинг умумий ҳажми 807 миллиард доллардан иборат.

ХХРда хорижий инвестиция билан одатда электроника, машинасозлик, фармацевтика ва тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқариш каби замонавий саноат корхоналари барпо этилган.

Қўшма корхона ва хорижий компанияларнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ортиб бораётганини ҳисобга олиб, Хитой касаба уюшма ташкилотлари уларнинг ижтимоий барқарорлиги, иш ҳақи ҳамда меҳнат шароитлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга доимий эътибор қаратмоқда.

Бугунги кунда касаба уюшма ташкилотлари давлат, ходим ва иш берувчи манфаатларининг ўзаро мос келишини таъминлаш орқали меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимояламоқда. Шунингдек, қўшма корхона ва хорижий компанияларда юзага келаётган муаммолар ва ижтимоий низолар касаба уюшмалари иштирокида ва албатта, ХХР қонунчилигига амал қилган ҳолда ҳал этилмоқда. Корхоналарнинг иқтисодий ривожига ҳисса қўшиш, ишчи-ходимларнинг манфаатини ифодалаш, уларнинг касбий малакаси оширилишига ёрдам бериш, меҳнат қонунчилигига амал қилинишини назорат қилиш, ишчиларнинг соғлиғини ҳимоялаш, дам олишини таъминлаш орқали касаба уюшмалари нуфузи ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, ташкилот кейинги пайтда мамлакатдаги барча корхоналарда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, энергия ҳамда хом ашёни тежаш, шунингдек, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ўзаро уйғун демократик муносабатларини ривожлантириш масалалари билан янада мукаммалроқ шуғулланмоқда.

Касаба уюшмаларининг фаолияти аъзолик бадали, ишчи ва хизматчилар маошидан 2 фоиз миқдоридаги аҳратмалари ҳамда бошқа даромадлар ҳисобига олиб борилади. Йиғилган маблағнинг 60 фоизи бевосита корхона ва ташкилот касаба уюшмаларининг ўзида қолади.

Касаба уюшмаларининг қўшма корхоналарда меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашдаги таъсири ва имкониятларини оширишда компания очиш тўғрисидаги Келишув ҳужжатига корхона очилиши ҳақидаги ҳужжатлар имзоланганидан кейин 1 йилдан кечикмасдан мажбурий равишда касаба уюшма ташкилотини шакллантириш тўғрисидаги банднинг киритилиши қўл келмоқда. Шартномада эса, УХКУФ таклифи билан нафақат касаба уюшма ташкилотини шакллантириш, балки меҳнаткашларнинг иш берувчи билан маош миқдори, меҳнат ва дам олиш тизими, ишчиларнинг ижтимоий суғурта тартиби тўғрисидаги жамоа шартномасини тузиш ҳуқуқи ҳам кўзда тутилади.

Хитой касаба уюшмаларининг хорижий инвестиция асосида ташкил қилинган корхоналардаги муҳим йўналиши меҳнаткашлар манфаатининг ҳуқуқий ҳимояси ҳисобланади. Йирик корхоналар касаба уюшмалари ҳамда вилоят касаба уюшмалари федерациялари қошида юридик тайёргарликка эга, малакали, меҳнаткашларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва иш берувчилар устидан тушадиган шикоятларни ҳал этиш билан шуғулланувчи мутахассислар билан таъминланган Ҳуқуқий ҳимоя комиссияси ташкил қилинган.

Ушбу комиссия УХКУФ томонидан кенг юридик ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг компьютерлаштирилган базаси билан таъминланган ва улар иш берувчилар билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда, шунингдек, суд-тергов ишларида меҳнаткашлар ва касаба уюшма манфаатларини ҳимоялашда етарли имкониятга эгадир.

Қулай шарт-шароит мавжуд бўлган ҳолларда, меҳнат жамоасининг ижтимоий ҳолатини яхшилаш, шунингдек, касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчи-ходимлар учун ташкил этиладиган тадбирларни молиялаштириш мақсадида қўшма корхона касаба уюшмалари тижорат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу билан бирга, қўшма корхона, трансмиллий корпорациялар ходимларининг касаба уюшма аъзолигига жалб қилиш муаммоси муҳимлигича қолмоқда. Муҳокамалар жараёнида МДҲ давлатлари касаба уюшмаларида ҳам шундай муаммо мавжуд эканлиги маълум бўлди. Хорижий корхоналар глобал инқироздан «ўз мақсадлари» йўлида муваффақиятли фойдаланаётганликлари қайд этилди.

Халқаро семинар мавзусини муҳокама қилиш жараёнида барча делегация раҳбарлари сўзга чиқиб, инқироздан кейинги даврда меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вакили «Ўзбекистоннинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури»нинг бажарилиши, шунингдек, дунё молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистон дунёдаги оз сонли давлатлар қаторида барқарор иқтисодий ўсиш суръати ҳамда ишончли фаолият юритувчи банк-молия тизимини сақлаб келаётгани тўғрисида маълумот берди. Касаба уюшмалари 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилишини таъминлаш мақсадида модернизация жараёнини фаоллаштириш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш, ишлаб-чиқариш ва технологик интизомга қаттиқ риоя қилиш, мосланувчан нарх сиёсати масалаларига алоҳида эътибор бермоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг жаҳон иқтисодий кризиси оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича кризисга қарши Дастури бажарилишига кўмаклашиш борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тадбирлари» асосида амалга оширилаётган ишлар инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда муҳим аҳамият касб этаётганлиги эътироф этилди.

Семинарда МДҲ давлатлари касаба уюшмалари инқироздан кейинги давр тадбирларига оид тажрибалари юзасидан фикр алмашишди. Шунингдек, инқирознинг меҳнаткашларга салбий таъсирини камайтириш ҳамда бу борада барча қонуний чоралардан фойдаланиш билан чегараланилмаслик яна бир бор таъкидланди.

Буларнинг барчаси давлат томонидан амалга оширилаётган инқирозга қарши сиёсат касаба уюшмалари томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятнинг кучайтирилишини тақозо этади. Зеро, барқарор иқтисодиёт бандлик ва меҳнаткашлар манфаати ифодаси ҳисобланади. Хусусан, мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирига қарамай, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръати пасаймаётганлиги Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган мамлакатни демократлаштириш бўйича ўз моделимизни босқичма-босқич ҳамда изчиллик билан амалга оширилаётганлиги ва бу жараёнда касаба уюшмаларининг ҳамкорлик муносабатларига жиддий аҳамият қаратаётганлиги билан ифодаланмоқда.

Р.РАҲМОНОВА,
ЎзКУФ халқаро бўлими мудири

Ҳуқуқий маслаҳатхона

САВОЛ: Қўшимча таътилларни белгилаш тартиби ва унда касаба уюшма қўмитасининг роли қандай? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

М. ҚОБУЛОВА, Нукус шаҳри

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 136-моддасида кимларга қўшимча таътиллар бериш белгилаб қўйилган. Унга кўра, қўшимча таътиллар меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган (137-модда), оғир ва ноқулай иқлим шароитида иш бажараётган ходимлар (138-модда) қўшимча таътил олиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, қўшимча таътил меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам берилиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 134-моддасида асосий йиллик меҳнат таътили 15 кундан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, қўшимча таътилларнинг муддати, унинг берилиш тартиби ва шартлари корхоналарнинг жамоа келишувлари ва шартномаларида ёхуд меҳнат шартномаларида кўрсатилади.

Ходим касаба уюшмасига аъзолигидан қатъи назар, асосий ва қўшимча меҳнат таътилларини олиш ҳуқуқига эга. Меҳнат таътилларини беришда касаба уюшма қўмитасининг розилиги талаб қилинмайди. Фақат йиллик меҳнат таътиллари жадвали касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланади.

САВОЛ: Касаллик варақаларига қандай тартибда тўлов амалга оширилади?

ЖАВОБ: Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган. Мазкур Низомга биноан, 2007 йил 1 январдан бошлаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизларга нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатлар бюджет ташкилотлари томонидан меҳнат ҳақи жамғармасига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фойда солиғини ҳисоблашда мазкур харажатлар солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Насиба ТИЛЛАХЎЖАЕВА,
ЎзКУФ юридик бўлими ҳуқуқшуноси

Янгиер шаҳрида яшовчи Т.Бойманов «Дори-дармонлар кимларга бепул берилади?» мазмунидаги савол билан таҳририятга мурожаат қилган эди. Ушбу мактубда кўтарилган масала юзасидан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашидан жавоб хати олдик.

Амбулаторияда даволашда дори-дармонлар бепул бериладиган касалликлар ва шахслар рўйхати:

1. Онкологик касалликлар.
2. Сил касаллиги.
3. Мохов касаллиги.
4. Эндокринологик касалликлар.
5. Руҳий касалликлар.
6. ОИВ касаллигини юқтирганлар (ОИТС).
7. Юрак клапанларини протезлаш ва органларни алмаштириш бўйича операциялардан кейин.
8. Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз нафақахўрлар.
9. 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат фронти қатнашчилари.
10. 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар.
11. Чернобил АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногирон шахслар.
12. Байналмилалчи жангчилар.
13. Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакиллиги

Тармоқ ходимлари ва
серкуёш юртимиз аҳлини
Янги йил билан
муборакбод этади.
Уларга тинчлик -
хотиржамлик, ишларига
омад, мустаҳкам
соғлик тилайди.

Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Соҳа ходимлари
ва барча
юртдошларимизни
Янги — 2011 йил
билан қутлайди.
Юртдошларимизнинг
дастурхонини кут-барака,
оиласини тотувлик,
юзларини байрамона
табассум ҳеч
қачон тарк
этмасин!

Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Мамлакатимиз аҳлини ва соҳа
ходимларини Янги йил билан
самимий табриклайди.

Кун сайин
гўзаллашиб
бораётган жонажон
Ватанимиз
бундан-да гуркираб
яшнасин!

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 4-yanvar № 2 (2883)

Болалар дунёси

Рангин олам туҳфаси

Бу ерга қадам қўйган киши борки, болалар қўлга киритган муваффақиятлар билан танишиб, кўнгли ҳузур топади. Ахир, ёш қалблар шижоатидан дунёга келган ижод намуналари кимни беэътибор қолдиради дейсиз.

Йигирма йиллик фаолият йўлини босиб ўтган Республика Болалар бадиий ижодиёти маркази қанчадан-қанча истеъдодларни камол топтиришда бешик бўлган. Ёш иқтидор эгаларини излаб топиш, уларнинг ижодини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва кенг тарғиб қилиш, устозодалар мактаби асосида уларнинг давомчиларини тарбиялашда марказнинг кўмаги беқиёс. Ижодий студиялар асосан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлари ва кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда имконияти чекланган болалар хизматида. 19 йўналишдаги 31 та ижодий студияда 515 нафар 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ёш ижодкорлар устоз-мураббийлардан санъат сирларини ўрганишмоқда. Марказ ташкил этилганида йўлга қўйилган Рўзи Чориев ва Абдумўмин Боймatов, Ортиқ Файзуллаев сингари ижодкорларнинг мактаби асосидаги «Уста-шогирд» анъанаси бугун ҳам давом этмоқда.

— Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида филиалларимиз фаолият юритмоқда, — дейди марказ раҳбари Санобар Шодиева. — Ёш ижодкорларимиз республика миқёсидаги ва халқаро кўргазма ҳамда танловларда иштирок этиб, муносиб ўринларни эгаллаб келаётганлиги қувонарлидир. Шу кунга қадар Япония, Ҳиндистон, Чехия, Швецария, АҚШ, Туркия, Миср Араб Республикаси ва бошқа мамлакатларда ўтказилган кўргазма-танловларда 330 дан ортиқ истеъдодли ёшлар олтин, кумуш медаллар ва сертификатлар билан тақдирланди.

Жумладан, 1992 йилда 11 ёшда бўлган Нурали Бобомуродов «Она Ҳиндистон» номли триптих асари учун Ҳиндистоннинг Жавоҳарлаъл Неру танлови ғолиби бўлишди. «Болалар санъати — 2000» фестивали республика босқичининг Гран-При совриндори (ўша пайтда 7 ёшли) Диёра Ҳасанованинг «Фестивалга кетаяпмиз» номли асари Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро фестивал эмблемаси сифатида қабул қилиниб, махсус медал ва диплом билан тақдирланган. Санаб ўтганларимиз марказ ёшлари томонидаги стипендиясини олишга муяссар бўлгани марказнинг илк муваффақият саҳифаларидан жой олган. Шунингдек, 1994 йилда Ҳиндистонда бўлиб ўтган «Шанкар» халқаро болалар кўргазма-танловида 10 нафар ёш иқтидор эгаси олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган бўлса, 1996-1997 йилларда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган Республика кўргазма-танловида муваффақият қозонган 29 нафар ижодкор болалар Лозанна шаҳрида Халқаро олимпия қўмитаси томонидан ўтказилган «Олимпия ўйинлари — болалар нигоҳида» номли халқаро кўргазма

танлови ғолиблари бўлишди. Марказ ташкил этилганидан йўлга қўйилган Рўзи Чориев ва Абдумўмин Боймatов, Ортиқ Файзуллаев сингари ижодкорларнинг мактаби асосидаги «Уста-шогирд» анъанаси бугун ҳам давом этмоқда.

Марказ ташкил этилганидан йўлга қўйилган Рўзи Чориев ва Абдумўмин Боймatов, Ортиқ Файзуллаев сингари ижодкорларнинг мактаби асосидаги «Уста-шогирд» анъанаси бугун ҳам давом этмоқда.

— Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида филиалларимиз фаолият юритмоқда, — дейди марказ раҳбари Санобар Шодиева. — Ёш ижодкорларимиз республика миқёсидаги ва халқаро кўргазма ҳамда танловларда иштирок этиб, муносиб ўринларни эгаллаб келаётганлиги қувонарлидир. Шу кунга қадар Япония, Ҳиндистон, Чехия, Швецария, АҚШ, Туркия, Миср Араб Республикаси ва бошқа мамлакатларда ўтказилган кўргазма-танловларда 330 дан ортиқ истеъдодли ёшлар олтин, кумуш медаллар ва сертификатлар билан тақдирланди.

Жумладан, 1992 йилда 11 ёшда бўлган Нурали Бобомуродов «Она Ҳиндистон» номли триптих асари учун Ҳиндистоннинг Жавоҳарлаъл Неру танлови ғолиби бўлишди. «Болалар санъати — 2000» фестивали республика босқичининг Гран-При совриндори (ўша пайтда 7 ёшли) Диёра Ҳасанованинг «Фестивалга кетаяпмиз» номли асари Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро фестивал эмблемаси сифатида қабул қилиниб, махсус медал ва диплом билан тақдирланган. Санаб ўтганларимиз марказ ёшлари томонидаги стипендиясини олишга муяссар бўлгани марказнинг илк муваффақият саҳифаларидан жой олган. Шунингдек, 1994 йилда Ҳиндистонда бўлиб ўтган «Шанкар» халқаро болалар кўргазма-танловида 10 нафар ёш иқтидор эгаси олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган бўлса, 1996-1997 йилларда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган Республика кўргазма-танловида муваффақият қозонган 29 нафар ижодкор болалар Лозанна шаҳрида Халқаро олимпия қўмитаси томонидан ўтказилган «Олимпия ўйинлари — болалар нигоҳида» номли халқаро кўргазма

нидан ўтган йилларда қўлга киритилган ютуқларнинг ўндан бири, холос.

Бугунги ёшларнинг парвози баландлигини Ҳиндистонда бўлиб ўтган «Шанкар — 2009» болалар расмлари кўргазма-танловида 10 нафар ижодкорнинг ғолиб бўлгани, Полшада ўтказилган «Ҳаммаси ҳаворанг, ҳаммаси яшил» номли халқаро болалар расмлари кўргазмасида 5 нафар истеъдод эгаси, якунланган йилда эса «Миср болалар тасвирида» номли халқаро кўргазма-танловда 5 нафар иқтидор соҳибининг сертификат билан, Полшада машҳур композитор Ф.Шопенга бағишлаб ўтказилган халқаро кўргазма-танловда 11 ёшли Элёр Эргашев диплом билан тақдирланганлиги мисолида кўришимиз мумкин.

Марказда маълум саналарга бағишлаб дам олиш оромгоҳлари, стадионлар, театр ва хиёбонларда кўчма кўргазмалар ташкил этилиши анъанага айланган. Кўргазмаларда ижодкор болаларнинг «Уста-шогирд», «Молбертдаги ранг-тасвир», «Асфалтдаги тасвир», «Мастер-класс» кўргазмали чиқишлари намойиш этилади. Хусусан, якунланган йил бошида миллий кулолчилик студиясининг 10 нафар тарбияланувчисининг тошкентлик таниқли кулол Муҳиддин Раҳимовнинг уй-музейида моҳир кулол, Ўзбекистон санъат арбоби, академик Акбар Раҳимов раҳбарлигида «Мастер-класс» кўргазмали чиқишлари ташкил этилган бўлса, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган «Янги аср болаларимиз» ёш ижодкорларнинг Республика кўргазма-танловида марказ ёшлари «Мастер-класс», «Уста-шогирд» кўргазмаларида иштирок этишди.

Ижодий студияларда фаол қатнашаётган истеъдодли болаларнинг шахсий кўргазмалари мунтазам ўтказилаётганини қайд этиш ўринли. Жумладан, ўтган йил март ойида таниқли рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Х.Жалилов билан ижодий учрашув доирасида 15 ёшли ижодкор Мадина Алимжонованинг «Парвоз» номли шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ноябр ойида эса «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалида Шарқ миниатюраси ижодий студияси тарбияланувчиси, 13 ёшли Ҳусан Тўхтаев ўзининг туркум ижодий ишлари учун лауреат бўлди.

Ўтказилаётган кўргазма-танловлар юртимизда амалий санъатнинг турли йўналишлари, «Уста-шогирд» мактабларини ривожланаётгани, ёш ижодкорларнинг санъат сирларини ўрганишга қизиқиши ортишига хизмат қилмоқда. Зеро, келажак авлодга бетакрор анъаналаримизни етказиш, санъатимиз довруғини жаҳонга ёйиш йўлида амалга оширилаётган ишлар замирида буюк орзу-ниятлар мужассам.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

«Энг яхши ёш журналист — 2010»

Ўқув муассасаларининг ўқитувчи ва ўқувчилари, шаҳар ва туманлардан таклиф этилган ташкилот вакиллари Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида карнай-сурнай садолари остида илиқ кутиб олинди.

Қорбобо қутлагани келди

Ёш қаламкашлар Н.Рўзиева, З.Қутлиева ва Р.Сабуров вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими, «Дўстлик байроғи» ҳамда «Знамя дружбы» газеталари ҳамкорликда эълон қилган «Энг яхши ёш журналист — 2010» кўрик-танлови якунига кўра, фахрли ўринларни қўлга киритишди. Шунингдек, 23 нафар йилнинг энг фаол ёш журналистларига диплом ва ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари тантанали равишда топширилди.

Тадбир байрамона дастурхон атрофида, Қорбобо ва Қорқиз иштирокида ўтди.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
«Ishonch»нинг
жамоатчи мухбири

Insonga naf keltirish - oliy baxt
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To`lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 679 32 79;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: A. Arslonov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -21.00

Буюртма Г — 151

21000 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2345

Мусобақа

«Соғлом авлод тарбиясини жисмоний тарбия ва спорт ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди». Давлатимиз раҳбари жонкуярлик билан бот-бот таъкидлайдиган бу гапнинг нечоғлик аҳамиятга эга эканлиги айни пайтда ўз тасдиғини топмоқда. Мамлакатимизда спортни ривожлантириш, аҳолини спортга жалб этиш ва уларнинг шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратиб берилмоқда. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Саломатлик» спартакиадаси ҳам ана шундай савобли ишларнинг амалдаги исботидир.

Саломатлик — энг азиз бойлик

Бўстонлиқ туманидаги тоғлар орасида жойлашган «Хўжакент» дам олиш масканида икки кун давом этган мусобақанинг Тошкент вилояти бўйича якуний саралаш босқичи спартакиада иштирокчиларининг хотирасида узоқ йиллар сақланиб қолса, ажабмас. Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамкорликда ташкил этган мусобақада меҳнаткашлар спортнинг волейбол ва енгил атлетика турлари бўйича куч синашдилар.

Иштирокчиларнинг руҳиятини кўтариш ва уларни ғолиблик сари ундаш учун «Ниҳол» мукофоти лауреати Дилноза Исмияминова ҳамда касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларининг кўргазмали чиқишлари ташкил этилди. Сўнгра мусобақа бош ҳаками Собир Ўсаров қатнашчиларга старт берди ва мусобақалар бошланди. Икки кун давом этган беллашувлар ким эпчил-у, ким чаққон эканлигини кўрсатиб берди.

— Мусобақаларда жамоамиз билан доимо биринчи ёки иккинчи ўринларни олардик, — дейди Бўстонлиқ туманидаги 18-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Осиё Акрамова. — Бугунги мусобақада қизларда ҳаяжон кучли бўлгани учунми, 4-ўринга тушиб қолдик. Оҳангаронни 2:1 га ютган бўлсак, ангренликларга 1:2 га ютқазиб қўйдик. Инсон мағлубият аламини ҳам тотиб кўриши керак экан.

— Волейбол бўйича 2-ўринни олдик, — дейди Қуйи Чирчиқ тумани Дўстобод шаҳридаги 4-мактаб жамоаси аъзоси Зебо Ҳошимова. — Лекин бундан хафа эмасмиз. Асосийси, бир-биримиз билан дўстлашиш, тажриба алмашиш эди. Очиғи, хотин-қизларнинг ажойиб ўйинларини кўриб қувондик. Шу билан бирга, «Саломатлик» спартакиадасининг табиат қўйнида ўтганидан хурсандмиз. Нафақат мусобақаларда иштирок этдик, балки Хўжакентнинг сўлим табиатидан баҳраманд бўлдик. Аёлларга берилаётган эътибордан мамнунмиз.

— Бу йилги мусобақаларда 12 та жамоа қатнашди, — дейди спартакиада бош ҳаками Собиржон Ўсаров. — Булардан айниқса, 2 та спорт клуби: Бекобод ва Олмалиқ тоғ металлургия комбинати жамоаси фаол иштирок этишди. Финалда очколар тенглашганлиги туфайли оғир ўйин бўлди. Мақсадимиз жамоалар орасидан яхши иштирокчиларни саралаб, республика мусобақаларига тайёрлаш эди. Мазкур спартакиаданинг ўтказилиши айни муддао бўлди.

Ниҳоят, кутилган дамлар етиб келди.

Умумжамоалар бўйича биринчи ўрин «Ўзметкомбинат» АИИБ, иккинчи ўрин Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, учинчи ўрин эса Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши жамоасига насиб этди.

Спартакиада якунида ғолиблар эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланди.

Назира БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири.
Руслан РАҲМОНОВ
олган сурат

Туман спортчилари ҳаётидан

Мамлакатимизда спортга бўлган эътибор йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу сабабли юртимиз спортчилари нуфузли мусобақаларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Қуйи Чирчиқ туманида спортнинг бокс тури бўйича вилоят кўнгилли спорт жамияти очиқ турнири ана шу мақсад йўлида амалга оширилди. Ушбу турнирда Қўқон, Чуст, Чирчиқ, Ангрен, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Қибрай, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Паркент шаҳар ва туманларидан жами 150 нафарга яқин ёш чарм қўлқоп усталари иштирок этди. Мусобақада юқори чирчиқлик боксчилардан 5 нафари совринли ўринларни эгаллади. Жумладан, ўз вазн тоифалари бўйича Бадиржан Жолдасов, Бексаид Мансуровлар биринчи, Валихон Абдухолиқов, Ақжан Тағаев, Айдос Ғанибоевлар фахрли иккинчи ўринни қўлга киритишди.

Ёш боксчиларни ушбу мусобақага тайёрлашда мураббийлар Мурод Эгамбердиев ва Мурод Жабборовларнинг хизматлари катта бўлган.

Бокс

Волейбол

Юқори Чирчиқ туманидаги 1-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши, Таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси, Савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси туман вакиллиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати саъй-ҳаракати билан волейбол мусобақаси ташкил этилди.

Қизғин беллашувлар остида ўтган мусобақада 1-умумтаълим мактаби ёш волейболчилари ғолибликни қўлга киритди. Мусобақанинг иккинчи ва учинчи ўринлари эса 3- ва 9-умумтаълим мактабларига насиб этди.

Ғолиб жамоаларга ташкилотчилар ҳамда ҳомийлар томонидан фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Тошкент архитектура-қурилиш институти касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳмуд Туроповга акаси

Раҳматилла ТУРОПОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоалари вилоят кенгашининг собиқ раиси Собир Зоировга турмуш ўртоғи

Кристина ЗОИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси Самарқанд туман тармоқ касаба уюшмаси кенгашининг собиқ раиси Зумрад Жўрақуловага отаси

ЖЎРАҚУЛ бобонинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоалари вилоят кенгаши раиси Норхол Раҳматовага онаси

ИҚБОЛ момонинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Чиноз тумани кенгаши раиси Абдукарим Носировга укаси

Абдувоҳид НОСИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Қибрай тумани кенгаши раиси Ўткир Раззоқовга волидаи муҳтарамаси

НАФИСА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.